

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТАШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ОДАМ АНАТОМИЯСИ КАФЕДРАСИ

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ № 30

**МАВЗУ: ХАЛҚУМ, ПИРОГОВ ХАЛҚАСИ
УЛАРНИНГ ЁШГА ҚАРАБ ЎЗГАРИШИ.**

Кафедра мудири: Х.А.Расулов

Тошкент 2009

30- амалий машғулот (10-маъруза)

Мавзу: Халқум, Пирогов халқаси уларнинг ёшга қараб ўзгариши.

Машғулотнинг мақсади:

Талабаларга халқум ва Пирогов халқасининг тузилишини, вазифасини, уларнинг одам организмидаги аҳамиятини ва ёшга қараб ўзгаришини тушунтириш.

Вазифалар

- халқум ва Пирогов халқасидаги ҳосилаларни ўзбекча ва латинча номларини ўргатиш
- халқумнинг қисмларини кўрсатиш
- халқумнинг болалардаги хусусиятларини ўргатиш

Назарий қисм:

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи халқумнинг тузилишини, уларнинг вазифасини ва одам организмидаги аҳамиятини тушунтириб беради.

Талабаларнинг назарий ва амалий билимларини аниқлагач ўқитувчи халқумнинг тузилишини, қисмларни ва вазифасини сўзлаб беради.

Пирогов халқасини ҳосил қилувчи муртақларни жойлашишини ва одамдаги аҳамиятини тушунтириб беради.

Халқум (pharynx) бош ва бўйин соҳасида жойлашган бўлиб, ҳазм ва нафас аъзолари тизимига киради. Унинг узунлиги 12-14см. Юқоридан калла асосига (энса суягининг халқум дўмбоғига, понасимон суякнинг қанотсимон ўсиғини медиал пластинкаси) бирикади. Пастда VI-VII бўйин умуртқалари соҳасида қизилўнгачга ўтиб кетади. Калла асосига бириккан юқори девори халқум гумбази дейилади.

Халқумнинг орқа юзаси бўйин умуртқалари олдида жойлашган мускуллар ва бўйин фасцияларига тегиб турса, икки ён томонида бўйинни томирли-нервли дастаси ётади. Ҳалқумнинг олд томонида бурун бўшлиғи, оғиз бўшлиғи ва ҳиқилдоқ жойлашади. Шу аъзоларга нисбатан халқумда уч: бурун, оғиз ва ҳиқилдоқ қисмлари тафовут қилинади.

Халқумнинг бурун қисми (pars nasalis pharynx) халқум гумбази билан юмшоқ танглай ўртасида жойлашган. У хоаналар воситасида бурун бўшлиғи билан туташган. Ҳалқум гумбазини орқа деворига ўтиш жойида лимфоид тўқима тўплами-халқум муртаги жойлашган. Ҳалқумнинг бурун қисмини ён деворида эшитув найининг халқум тешиги, унинг уст ва орқа томонида най болиши жойлашган. Най тешиги билан танглай чодирини ўртасида лимфоид тўқима тўплами-най муртаги.

Халқумнинг оғиз қисми (pars oralis pharynx) танглай чодирини билан ҳиқилдоққа кириш тешиги ўртасида. Бу қисм олд томондан томоқ тешиги

воситасида оғиз бўшлиғи билан қўшилади. Ўалқумнинг оғиз қисмида тил илдизи соҳасида тил муртаги ва жуфт танглай муртаги жойлашган.

Халқумнинг ҳиқилдоқ қисми ҳиқилдоқнинг орқасида ҳиқилдоққа кириш тешигидан қизилўнгачгача давом этади.

Халқумнинг девори тўрт: шиллик, фиброз, мушак ва бириктирувчи тўқимали қаватдан иборат.

Шиллик қават бурун қисмида киприкли эпителий билан қопланган. Унда шиллик безлари бор.

Фиброз парда халқумнинг юқорги қисмида ривожланган. Бу қават бириктирувчи тўқимадан тузилган юпқа пластинка бўлиб, халқумни бош суяги асосини ташқи юзасига тортиб туради.

Мушак қават кўндаланг тарғил мушаклардан тузилган бўлиб икки: халқумни қисувчи ва кўтарувчи гуруҳларга бўлинади.

Халқумнинг қисувчи мушаклари учта: юқорги, ўрта ва пастки. Бу мушаклар калла суяклари, тил ости, пастки жағ суяги ҳиқилдоқ тоғайларидан бошланиб икки томондан йўналиб халқумнинг орқа қисмида халқум чокини ҳосил қилади.

Халқумнинг кўтарувчи мушаклари иккита:

1.Бигизсимон-ҳалқум мушаги бигизсимон ўсиқдан бошланиб, халқум деворига қалқонсимон тоғай пластинкасига бирикади.

2.Танглай-ҳалқум мушаги тангай чодиридан бошланиб, халқум деворига бирикади. Овқат ютганда бу мушаклар халқумни кўтаради Бириктирувчи тўқимали парда халқумни мушак қаватини ташқаридан туради ва қўшни аъзолардан ажратиб туради.

Пирогов лимфо-эпителиал ҳалқасини қуйидаги 6-та муртак: тоқ тил ва халқум, жуфт танглай ва най муртаклари ҳосил қилади.

Янги туғилган чакалоқнинг ҳалқуми нисбатан кенг ва қисқа. Узунлиги 3см, кенглиги 2,1-2,5см, шакли воронкасимон. Пастки чегараси III-IV бўйин умуртқалари танаси соҳасида қизилўнгачга ўтиб кетади, девори юпқа, эшитув найини ютқин тешиги катта. Ўалқумнинг тузилиши 16 ёшларда катталарникига ўхшаб қолади.

Интерфаол усуллардан «Галерея бўйлаб саёҳат» усулини қўлаймиз Учта турли хил савол учта кичик гуруҳга берилади. 1.Ўалқумнинг топографияси ва қисмлари. 2.Ўалқум мушаклари. 3.Пирогов ҳалқасининг тузилиши. Кейин гуруҳлар алмашиб бошқасини ҳатосини тўғрилайди ва тўлатади. Кимнинг жавоби тўлиқ бўлиб, кам тўғриланса, у тўғри ҳисобланади ва гуруҳнинг барча катнашчиларга бир хил баҳо қўйилади.

Тест саволлари

1.Халқумнинг қисмлари қайсилар?

а. pars oralis, laryngea, pars esophagealis

б. pars oralis, pars nasalis, pars laryngea

в. pars nasalis, pars palatini, pars oralis

д. pars superior, media et inferior

2.Халқумнинг бурун қисмида қандай муртақлар бор?

Г.ТАНГЛАЙ, ТИЛ

д.Халқум , тил

В.Ғалқұм, най

3. Халқумнинг оғиз қисмида қандай муртаклар бор?

г.Халқум, най

д. Танглай, най

В.тил, най

4. Халқумнинг девори қандай қаватлардан иборат?

A. Tunica adventitia, fibrosa, mucosa, muscularis

B. *Tunica mucosa, submucosa, muscularis, adventitia*

B. Tunica muscularis, mucosa, adventitia

Γ.tunica serosa, fibrosa, mucosa

Д. Tunica mucosa, submucosa, muscularis, serosa

5.яңги тугилган болалар халқуми узунлиги ?

д. 9 см

6.янги туғилган болалар халқуми шакли

Г. S-СИМОН

д. Воронкасимон

В. Учбурчаксимон

7.Халқумни кўтарувчи мушаклар қайсилар?

A. M.glossopharyngeus, m.palatopharyngeus

Б. М. palatopharyngeus, m. stylopharyngeus

B. M.stylopharyngeus, m.palatoglossus

Г. М. palatoglossus, m. palatopharyngeus

Д. М. stylopharyngeus, m. styloglossus

8.Халқумни сиқувчи мушаклар қайсилар?

A. M.constrictor pharyngis superior, media et m.palatophatyngeus

Б. М. stylopharyngeus, m. palatopharyngeus

B. M.constrictor pharyngis superior, media, interior

Γ. M.stylopharyngeus, m.constrictor pharyngis superior et interior

Д. М.constrictor pharyngis, m.glossopharyngeus, m.palatopharyngeus

9.Халкүмнинг бүрүн кисмини ён деворида жойлашган?

r.tonsilla lingualis

д. pars oralis

B. tonsilla palatina

10. Янги туғилган бола ҳалқумининг пастки чегараси?

А. IV-у буйин умуртқаси соҶаси

Б. V-vi буйин умуртқаси соҶаси

В. II-iii буйин умуртқаси соҶаси

Г. III-iv буйин умуртқаси соҶаси

Д. I-ii буйин умуртқаси соҶаси

Топшириқлар:

1. ҳалқум ва Пирогов ҳалқасининг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини билиш

2. ҳалқум ва Пирогов ҳалқасидаги асосий анатомик белгиларини кўрсатиш

3. ҳалқум ва Пирогов ҳалқасини тузилишини болалардаги хусусиятларини билиш

4. Мавзу бўйича талабаларни баҳолаш варақасини тўлдириш

Одам анатомияси фанидан талабаларни баҳолаш варақаси

Аъзонинг номи: ҳалқум, Пирогов ҳалқаси

Терминлар			Аъзо қисмлари	Аъзонинг фаолияти
лотинча	ўзбекча	русча		

Баҳолаш мезони:

Балл	Баҳо	Талабанинг фан бўйича билим даражаси
86-100	Аъло	Талаба ҳалқум ва Пирогов ҳалқасининг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса. Уларининг болалардаги хусусиятларини айтиб берса.
71-85	Яхши	Талаба ҳалқум ва Пирогов ҳалқасининг тузилишини, улардаги ҳосилаларнинг лотинча номларини айтиб, вазифасини тушунтира олса.
55-70	қониқарли	Талаба ҳалқум ва Пирогов ҳалқасининг тузилиши ва вазифаси тўғрисида тасаввурга эга бўлса.
0-54	қониқарсиз	Талаба ҳалқум ва Пирогов ҳалқасининг тузилиши ва вазифаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлмаса.

Жорий назорат саволлари.

- 1.Халқум қаерда жойлашган?
- 2.Халқумнинг қандай қисмлари бор?
- 3.Халқумнинг бурун қисмида нималар жойлашган?
- 4.Халқумнинг оғиз қисмида нималар жойлашган?
- 5.Халқумнинг ҳиқилдоқ қисмида нималар жойлашган?
- 6.Халқумнинг девори қандай тузилган?
- 7.Халқумнинг қисувчи мушаклари қайсилар?
- 8.Халқумни кўтарувчи мушаклари қайсилар?
- 9.Халқумнинг болалардаги хусусиятлар қандай?
- 10.Пирогов лимфа-эпителиал ҳалқаси таркибига қайси муртаклар киради?

Машғулотнинг таъминланиши.

Бошнинг сагитал кесими. Ҳалқумнинг чизмаси.